

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАРИХ КАФЕДРАСИ

ҒАНИЕВА ОЙСАРА

МАВЗУ: МИЛ.АВВ ХІ – ІХ АСРЛАРДА ЮНОНИСТОН. ГОМЕР
ДАВРИ

5120300 – ТАРИХ (МАМЛАКТЛАР ВА МИНТАҚАЛАР) ТАЪЛИМ
ЙЎНАЛИШИ

КУРС ИШИ

Илмий раҳбар: Тарих кафедраси

Ўқитувчиси – Ражабов О. И.

Бухоро - 2014

Мавзу: мил.авв XI – IX асрларда Юнонитон. Гомер даври.

Режа:

Кириш

1. Крит маданиятининг инқироzi, Гомер даврининг бошланиши.
2. Милоддан аввалги XI - IX асрларда Юнонистон хўжалиги.
3. Гомер даврида Юнонистондаги ижтимоий муносабатлар

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Қадимги дунё тарихи айниқса қадимги Юнонистон тарихи, унинг илк давлатчилик масалалари қадимги дунё курсини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. ҳозирги эркин фуқаролик жамиятлари қарор топган Европа ўз ўтмишини қадимги Юнонистон тарихининг бир бўлаги деб билади ва Европа маданиятининг ўчоғи, Европадаги давлат ва жамиятларнинг шакли ва моҳияти қадимги Юнонистон тарихида вужудга келган давлатчилик ва жамиятнинг узвий давоми деб ҳисобланади. Ўзбекистоннинг мустақиллик шароитида олиб борилаётган туб ислохотлар ва уларнинг натижаси ўлароқ нафакт ўз тарихимиз балки иқтисодий – сиёсий, маданий ҳамкор давлатлар ва уларнинг тарихини ўрганишга ҳам бефарқ қолмасликка ундайди. Айниқса Европа минтақасидаги давлатлар ва уларнинг иқтисодий тараққиёти асосларини ўрганиш биз учун фойдадан холи эмас. Зеро, Президентимиз И. А. Каримов: “Биз ёш авлодни болалар боғчасидан бошлаб халқимизнинг асрлар давомида шаклланган Шарқ психологияси, умумбашарий қадриятлар асосида тарбиялашимиз лозим. Бозор муносабатларига ўтиш даврида талабаларга иқтисодий билимларни, маркетинг, менежмент, бизнес соҳасида, бизнинг иқтисодий ривожланишимизда бу тушунчаларнинг моҳияти ва роли борасида кўпроқ билим беришимиз мақсадга мувофиқдир. Уларга чет тилларни мукамал билиб олишлари, эркин мулоқот қилишлари учун барча шарт – шароитларни яратиб беришимиз керак. Бу бизнинг жаҳон миқёсида чиқишимизда муҳим омил бўлиб хизмат қилади¹” – деган эдилар.

Бугунги кунга келиб Болқон ярим оролида муҳим стратегик аҳамиятга ва иқтисодий, туризм салоҳияти юқори бўлган Юнонистон билан Ўзбекистон ўртасидаги алоқаларнинг ривожланиб бориши ва келажда истиқболли ҳамкорлик учун замин ҳозирланган. Биз бу давлатнинг қадимий ўтмишини билиш орқали унинг бугунги кун аҳолисининг маънавий психологик муҳини

¹ Каримов И. А. Халқимизнинг йўли мустақиллик, озодлик ва туб ислохотлар йўлидир: - Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 31.

ўрганами. Шунинг учун биз Қадимги юнонистон тарихининг дастлабки босқичларидан бири бўлиб ҳисобланган мил.авв. XI – IX асрлар, яъни Гомер даври тарихини ёритадиган курс иши лойиҳасини танладик. Қадимги Юнонистоннинг илк синфий жамият ва давлатлар вужудга келиш жараёнларини ёритувчи мавзуни курс иши доирасида имкон қадар кўриб чиқишни ўз олдимизга мақсад қилиб олдик ва уни долзарб мавзулардан бири деб ҳисоблаймиз. Зеро, Президентимиз И. А. Каримов ташқи иқтисодий алоқалар ҳақида 90 йилларда гапириб: “Мен бу соҳани бошқариш ҳаддан ташқари расмийлашиб, маъмурийлашиб кетган деб ҳисоблайман. Унда иқтисодий йўл билан таърифлар билан бошқаришдан кўра маъмурий чеклашлар орқали бошқариш усуллари устунлик қилмоқда. Биз ташқи иқтисодий фаолиятнинг жаҳонда қабул қилинган маърифий шаклларига тезроқ ўтишимиз,... даркор²” – деган жумлаларни келтирган эдилар.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб биз мил.авв XI – IX асрларда Юнонистон. Гомер даври мавзусини муҳим ва долзарб мавзуларидан бири деб ҳисоблаймиз.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Биз курс иши лойиҳаси сифатида кўриб чиқаётган мил.авв XI – IX асрларда Юнонистон. Гомер даври деб номланиб, ушбу мавзунинг дастлабки тадқиқотчилари айтиш мумкинки, қадимги юнонларнинг ўзлари эдилар. Айтиш мумкинки, Гомер дostonлари дастлабки манбалардан бўлиб ҳисобланса, Геродот, Фукидид, Гесиод ва бошқаларни ҳам мисол тариқасида келтириб ўтишимиз мумкин. Аммо, биз уларнинг фақатгина Гомернинг Иллиада ва Одиссея дostonларидан ўзбек тилига таржима қилинганлиги учун фойдалана оламиз холос. шунинг учун ушбу курс иши лойиҳасини ёритишда яқин ўтмишда ёзилган адабиётларга мурожаат қилишни маъқул кўрдик. Ушбу адабиётларни шартли равишда уч гуруҳга бўлишни лозим топдик.

² Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда: Президент Ислам Каримовнинг Биринчи чақирик Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясидаги маърузаси. 1999 йил 14 апрель. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 35.

Биринчи гуруҳ адабиётларига собиқ шўролар даврида ёзилган адабиётларни киритдик. Улардан В.Н. Дбякова и Н.М. Никольский, Ю. С. Крушкол³ ва бошқаларни мисол тариқасида келтириб ўтишни лозим топдик.

Ушбу адабиётлар собиқ СССР даврида комунистик мафкура таъсири остида синфийлик нуқтаи – назаридан ёзилганлигини инобатга олинса, уларга танқидиу нуқтаи – назар билан ёндашиш лозимлигини тушуниб олиш кийин эмас албатта, шунинг учун биз ушбу адабиётларга имкон қадар танқидий ёндашишга ҳаракат қилдик.

Иккинчи гуруҳ адабиётларига эса, мустақиллик даврида чоп этилган ва ўтмишга холис нигоҳ ташлаш имконини берувчи адабиётларни киритдик. Ушбу адабиётлар сирасига турли олийгоҳларда профессор – ўқитувчилар томонидан яратилган ўқув услубий мажмуалар ва маъруза матнлари, ўқув қўлланмалари ва китобларни киритдик⁴. Айниқса, бу борада Р. Ражабов⁵нинг “Қадимги дунё тарихи” ўқув қўлланмасини ва М. З. Орзиев, Б.Н. Ризаев, Ж.Ш. Ҳайитовлар⁶нинг изоҳли луғатларини алоҳида таъкидлаб ўтишни жоиз билдик.

Учинчи гуруҳ адабиётларига биз имкон қадар интернет материалларини киритишни лозим топдик. Аммо, интернет материалларидан фойдаланганда уларнинг барчаси ҳам илмий фаолиятга оид эмаслигини назарда тутиб улардан ҳам танқидий руҳда фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Зиёнет ва педагог уз сайтлари биз қизиқаётган мавзунини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга деб ҳисоблаймиз⁷.

³ История древнего мира под.ред. В.Н. Дбякова и Н.М. Никольского – М.: государственное учебно – педагогическое издательство министерства просвещения РСФСР. 1952. , қадимги дунё тарихи. Ю.С. Крушкол таҳрири остида 2 – ж. – Т.: 1975.

⁴ Қадимги Юнонистон ва Рим тарихи фанидан ўқув услубий мажмуа. – Т.: 2001., Жумаев А. Ш. Қадимги дунё тарихи. Ўқув услубий қўлланма Бухоро 2006.,

⁵ Ражабов Р. Қадимги дунё тарихи. – Т.: 2009.

⁶ Орзиев М., Ризаев Б. Ҳайитов Ж. Қадимги дунё тарихи фанидан атамалар қисқача изоҳли луғати. – Бухоро “Дурдона” 2014.

⁷ www.ziynet.uz. www.pedagog.uz.

Мавзуни ўрганишда мақсад ва вазифалар. Биз курс иши лойиҳаси сифатида ўрганиб чиқаёт “мил.авв XI – IX асрларда Юнонистон. Гомер даври” мавзусининг мазмунини ёритишда ўз олдимизга; мил.авв XI – IX асрларда Юнонистон, яъни Гомер даврининг бошланишига сабаб, Крит – Микен давлатлари ва жамиятининг Дорий кабилалари томонидан йўқ қилиниши, Юнонистонда ижтимоий жиҳатдан уруғчилик анъаналарининг тикланиши, уруғ – қабила анъаналарининг биз кўриб чиқаётган даврда емирилиб бориши, мулкӣ табақаланиш ва ижтимоий тартибларнинг бузилиши, илк полисларнинг вужудга келиш жараёни, Юнонистонда тарихий географик вилоятларнинг ҳарбий конфедератив иттифоқларининг вужудга келиш жараёнларини ёритишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Юқоридаги мақсадлардан келиб чиқиб қуйидагиларни асосий вазифалар сифатида белгиладик.

- Мил.авв XII асрда Юнонистоннинг дорийлар томонидан истило этилиши ва Гомер даврининг бошланиши, иқтисодий ва ижтимоий муносабатларда уруғ – қабилачилик анъаналарига қайтишнинг содир бўлиши жараёни масалларига тасниф бериш

- Мил.авв XI – IX асрларда Юнонистонда иқтисодий муносабатлар, хўжалик турлари ва савдо – отиқ масалалари жараёнлари хусусида илмий – назарий фикрлар юритиш.

- Гомер даври Юнонистонда ижтимоий муносабатлар ва уларнинг ўзгариб бориши, қишлоқ жмоаси етакчилари басилейлар ва филбасилейлар ҳокимиятининг кучайиб бориши илк полис тартибларининг вужудга келиш жараёнлари каби масалалалар хусусида адабиётлардаги маълумотларни таҳлил этиш

Курс иши лойиҳасининг тузилиши. Курс иши лойиҳаси кириш, уч банд, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат ҳолда ёзилди.

Крит маданиятининг инқироzi, Гомер даврининг бошланиши.

Крит жамияти милоддан аваалги II минг йилликнинг иккинчи ярмида инқирозли вазиятга тушиб қолади. Бунинг асосий сабаби Крит давлатида ижтимоий тенгсизлик кучайиб бориб ўзаро ички низолар авж олиши ва Юнонистоннинг материк қисмида содир бўлган сиёсий жараёнлар эди. Олимлар Б чизиқли крит Микен даври ёдгорликларини таҳлил қилар эканлар ўша даврда оролда мулкый тенгсизлик кучайиб, ижтимоий курашлар авж олган деган хулосаларга келдилар. Эҳтимол уларнинг бу даврда яъни милоддан аввалги XIII – XII асрларда олиб борган кўплаб урушлари ана шу мулкый табақаланиш натижасида келиб чиққан деган фикрлар ҳам мавжуд.

Умуман олганда Болқон ярим ороли ва эгей денгизи оролларидаги юнонитоннинг Киклада деб аталувчи қисмида ижтимоий вазият бу давр учун ҳалокатли бўлган. Кичик кичик кулдорлик давлатларининг пайдо бўлиши асосан катта ороллар ичкараси ёки Юнонистоннинг иатерик қисмининг ички ҳудудларида эмас, балки соҳил бўйларида юзага келган. Бунга археологик маданиятларнинг асосан соҳил бўйи бўйлаб тарқалганлиги гувоҳлик беради. Крит маданиятига яқин ва унга айна вақтда қарам бўлган давлатчалар биз кўриб чиқаётган хронологик даврда денгиз ўртасидаги кичик – кичик оролчалардаги синфий табақаланиш натижасида вужудга келган эди. Илк кулдорлик давлати бўлган Крит ва унга ёндош давлатчаларнинг характерли хусусиятлари шундан иборат эдики, бу давлатчалар кулларга эга бўлиш ва бойлик орттириш учун тез – тез бир – бирларига ҳужум қилиб турар эдилар⁸. Бу эса ушбу давлатчаларнинг бундан кейинги тарихи учун ҳалокатли таъсир кўрсатар эди.

Шу сабабли милоддан аввалги XII асрдан бошлаб Болқон ярим оролнинг шимолидан унинг жануби томон кўча бошлаган ярим ёввойи дорий қабилаларига ушбу давлатчалар етарлича қаршилик кўрсата олмайдилар.

⁸ История древнего мира под.ред. В.Н. Дбякова и Н.М. Никольского – М.: государственное учебно – педагогическое издательство министерства просвещения РСФСР. 1952. – С. 249.

Дорийлар Юнонистоннинг материк қисмида жойлашган ва Крит маданияти таъсири остида вужудга келган ахая давлатчаларини осонлик билан босиб олганлар. Ахая давлатчалари дорийларга етарлича қаршилик кўрсата олмаганлар. Чунки, уларнинг ижтимоий базаси ниҳоятда бўш бўлган. Бунинг устига жуда кўп уруғ – қабилалар учун дорийларнинг бостириб келиши айни муддао бўлиб, улар Крит, Микен, Пилос ва бошқа давлатлар томонидан бўладиган доимий хавф ва қулликка тушиб қолиш асоратидан қутилишни ҳам англатар эди. Чунки, дорийлар ҳали уруғ – қабилачилик анъаналарида яшаб, қулчилик анъаналари уларда тараққий қилмаган эди. Доимий ўлпон тўлаш ва қулликка тушиш хавфи остида яшаган қабилалар дорийлар босқинига хайрихоҳ бўлганлиги боис юқорида эслатилган давлатлар тезда тор – мор келтирилади⁹.

Дорийларнинг Крит – микен маданиятидаги давлатлар устидан тез ва осон ғалаба қилишига сабаблардан яна бири дорийларнинг Болқон ярим ороли шимолидаги тоғли ҳудудларда яшаганликлари боис уларда бу даврда темир қуролларнинг мавжудлиги ва Крит – микена давлатлари бу қаби мустаҳкам қуролларга эга эмаслигида ҳам эди. Ваҳоланки бу давр Юнонистондаги давлатларда фақат бронза қуроллар мавжуд эди¹⁰.

Дорийлар юнонистоннинг материк қисмини забт этгандан кейин Критга ҳам бостириб кирганлар ва уни ҳам шафқатси ва мурасасиз жанглар натижасида истило қилганлар. Дорийлар томонидан фақатгина аттикагина омон қолган. Олимларнинг фикрича Аттикаликлар ўз ерларини дорийлардан ҳимоя қила олганлар. Иккинчи бир гуруҳ олимларнинг фикрича эса, Аттика ерларининг кам унумли бўлганлиги ва яхши ҳосил олинмаслиги сабаб дорийлар бу ҳудудни истило қилмаганлар деган тахминий фаразлар мавжуд.

Пелопонесдан қочган ахейларнинг бир қисми Аттикага бориб қолганлар. Лекин уларнинг катта қисми Кичик Осиё соҳилларига бориб қолганлар. Кейинчалик юнонларнинг бу ҳудудларга келиши натижасида халқ

⁹ Қадимги Юнонистон ва Рим тарихи фанидан ўқув услубий мажмуа. – Т.: 2001. – Б. 132.

¹⁰ Қадимги дунё тарихи. Ю.С. Крушкол таҳрири остида 2 – ж. – Т.: 1975. – Б. 31.

бахшилари ажойиб дostonлар Илиада ва Одиссеяни тўқиганлар. Шу сабабли Крит микен маданияти элементларини ўзларида сақлаб қолган кичик осие юнонлари, ундан кейинги авлодлар орасида ижтимоий ва маданий жиҳатдан кўпроқ тараққий қилган кишилар бўлиб чиққанлар. Кипр оролига қочиб борган юнонлар ўзлари билан бу оролга бўғинли, чизикли хатни олиб борганлар¹¹. Бу хат асрлар давомида шаклан бир оз ўзгарган бўлсада Юнонистон тарихининг классик давригача етиб келган¹².

Болқон Юнонистони ва унинг яқинида жойлашган ороларда дорийлар истилосидан кейин ижтимоий жиҳатдан таназзул, орқага кетиш содир бўлди. Барча жойларда уруғдошлик тузуми қайтадан қарор топди. Тор – мор қилинган кичик – кичик давлатчалар худудида ам уруғ – қабила муносабатлари жорий қилинди. Ахая давлатлари йўқолди. Бўғинли ёзув аста – секин унитилди. Аттика тор – мор қилинмаган бўлсада юқорида зикр этилган муносабатлар томон юз тутган. Аммо, дорийлар билан маҳаллий аҳолининг қўшилиб кетиши ва уруғ – қабила анъаналарининг жорий этилиши тушкунлини узоқ давом этишига йўл қўймади. Дорийлар олиб келган темир ва унга ишлов бериш техникасининг ўзлаштирилиши натижасида ижтимоий ва сиёсий жараёнлар маълум бир вақтдан кейин ўзгача шакл ва мазмунда вужудга кела бошлади¹³.

¹¹ Орзиев М., Ризаев Б. Ҳайитов Ж. Қадимги дунё тарихи фанидан атамалар қисқача изоҳли луғати. – Бухоро “Дурдона” 2014. – Б. 61.

¹² Қадимги Юнонистон ва Рим тарихи фанидан ўқув услубий мажмуа. – Т.: 2001. – Б. 123.

¹³ Ражабов Р.Р. Қадимги дунё тарихи (Шарқ, Юнонистон, Рим). – Т.: Фан ва технология нашриёти 2009. – Б. 238.

Милоддан аввалги XI - IX асрларда Юнонистон хўжалиги.

Дорийларнинг истилоси юнон кабилаларининг энг катта кучли харакати эди. Истилодан кейин юнон кабилаларининг жойлашувида катта узгаришлар содир булади. Шимолий Юнонистон ва Кичик Осиёнинг шимоли-гарбий сохилларида эолийлар урнашиб олган эдилар. Урта Юнонистоннинг шаркий кисмини, эгей денгизидаги оролларнинг аксарияти ва Кичик Осиё гарбий сохилининг урталарини ионийлар эгаллаганлар. Пелопоннес, Крит, эгей денгизининг жанубидаги ороллар ва Кичик Осиё гарбий сохилининг жанубий кисмини эса дорийлар ишғол килганлар.

Пелопоннеснинг шимолий ва марказий кисмида кадимги ахейяликлар яшаб колган эдилар. Аммо дорийлар истилоси даврида ва ундан сунг ахейяликларнинг анчагина кисми Кипрга бориб урнашганлар.

Юнонистон ахолиси уруг, кабила ва кабилалар иттифокидан ташкил топган, хар кайси водий ва оролда алохида кабила яшар эди.

Ер бутун кабила ва уругга карарди. Хар кайси оила узи учун ажратилган ерда ишлар ва дехкончилик килган. Уругдошлар чорва молларини умумий яйловда бокишарди. Уруш вақтларида уругдошлар бир-бирларига ёрдам берардилар. Юнонларда. хун олиш кучли булиб, улдирилган уругдошлари учун бутун уруг касос оларди.

Мухим масалаларни хал килиш учун бутун кабиланинг эркаклари томонидан сайланган уруг оксоколлари халк йигинига тупланганлар. Уруг доирасидаги ишларга уруг аъзолари томонидан сайланган уруг оксоллари рахбарлик килган. Кабила ишларига хам уруглардан сайланган нуфузли кабила бошликлари ва харбийлар бошчилик килган¹⁴.

Уша вақтларда Юнонистондаги уруг ва кабилалар орасида табакаланиш кучайиб, баъзи уругдошлар камбагаллашиб, бошкалари эса бойиб кетган. Бу дехкончилик, чорвачилик, хунармандчилик ва савдо-

¹⁴ Ражабав Р. Қадимги дунё тарихи. (шарқ Юнонистон, Рим)– Т.: фан ва технология. 2009. – Б. 239.

сотикнинг ривожланиши натижасида содир булган эди. Айти пайтда урушда голиб чиккан уруг ва кабила аъзоларининг оксоколлари, харбий бошликлар улжаларнинг катта кисмини олиб, бойиб кетар эдилар.

Милоддан аввалги XI—IX асрларда юнонлар хужалигида дехкончилик, чорвачилик, хунармандчилик, баликчилик ва кисман савдо-сотик мухим ахамиятга эга булган. Юнонистонда Нил, эфрот, Дажла, Ганг, Сирдарё ва Амударё каби йирик дарёлар ва юмшок, унумдор тупроклар юк эди. Дехконлар тог дарёларининг тошлок эрларини узлаштиришга мажбур эдилар. Бу эса дехконлардан каттик меҳнат килишни талаб эгарди. Улар эрни омон билан бир неча марта хайдаб, мотиға билан юмшатар ва далаларни окизиб келган тошлардан тозалар эди¹⁵.

Юнонлар хаётида дехкончилик мухим урин тутган. Дехконлар купрок арпа, зигир, кисман бугдой экканлар. Богдорчилик ҳам ривожланган булиб, зайтун дарахтини экиш ва парваришлаш алохида ахамиятга эга булган, чунки унинг меvasидан зайтун мойи олинган. Узумчилик ҳам яхши ривож топган эди. Улар узумдан мусалласлар тайёрлаганлар. Юнонистонда темир ва темирдан ясалган куруллар милоддан аввалги XII—VI асрларда пайдо булган. Троя уруши даврларида уларнинг харбий куруллари, химоя зирхлари жездан булган эди. У вақтда темир нодир маъдан деб хисоблашиб, спорт мусобакаларида голиб чикканларга мукофот сифатида берилган. Милоддан аввалги XI асрдан бошлаб Юнонистонда темирдан ясалган курулларнинг кенг таркалгани муносабати билан ерни ишлаш анча энгиллашади. экин майдонлари кенгайиб, хосилдорлик ҳам ошади¹⁶.

Юнонлар кадимдан бошлаб хунарманд булганлар. Уларда ибтидоий ва кадимги даврлардан бошлаб, айткансиз милоддан аввалги XI—IX асрларда курулчилик, тукумачилик, кемасозлик, меъморчилик, тикувчилик, курулсозлик анча тараккий эга бошлайди.

¹⁵ www.ziynet.uz.

¹⁶ История древнего мира под ред. В.Н. Дбякова и Н.М. Никольского – М.: государственное учебно – педагогическое издательство министерства просвещения РСФСР. 1952. – С. 255.

Юнонлар жуда кадимдан бошлаб денгизда суза бошлаганлар. Крит-Микен давридаёк улар ёгочдан денгизда суза оладиган катта-катта кемалар ясаб, узок ва якин мамлакатлар билан савдо-сотик килганлар. Болкон ярим оролининг уч томони денгизлар билан уралганлиги кемасозликнинг пайдо булишига сабаб булган. Улар узларининг ёгоч кемалари ва кайикларида денгиз хайвонларини хам овлаганлар. Юнонлар уз кемаларида узок сафарларга чикишар, харбий юришлар, хатто карокчилик килишар эди. эгей денгизидаги ороллар ва Кичик Осиё сохиллари билан булган хар кандай алокалар кемалар воситасида амалга оширилган¹⁷.

Дорийлар истлоси даврида Юнонистон кайтадан ибтидоий жамоа тузумигирдобига ташланган эди. Аммо бу жараён узок вакт давом этмади. Дехкончилик, чорвачилик, хунармандчилик ва савдо-сотикнинг ривожланиши окибатида хужалик анча тараккий эга бошлади. Ахоли орасида мулкый тенгсизлик ва табакаланиш кучайди. Кабила бошликлари, уруг оксоколлари ва харбийлар сой ва дарё буйларидаги унумдор эрлардан катта-катта томоркалар ажратиб ола бошладилар¹⁸. Уларнинг уз устахоналари хам булган. Улар уз хужаликларида узлари билан бир каторда экин майдонлари ва устахоналарида ишлаш учун одам ёллар эдилар. Булар мардикорлар булиб, мехнатлари эвазига озик-овкат ва кийим-бош оларди. Шу билан бирга уларда жуда куп чорва моллари хам булган. Кабила бошликлари, уруг оксоколлари, харбийлар ва бошка ишбилармон кишилар аста-секин бойиб, юнон жамиятининг нуфузли табакаларига, яъни аслзодаларга айлана бошлаганлар. Ахолининг катта кисми урта хол турмуш кечирарди. Одамлар орасида камбагаллар хам булган, Шу тарика Юнонистонда табакаланиш кучайиб борган. Голибона урушлар хам кабила бошликларининг бойиб кетишига сабаб булган. Улар урушда асир тушган кишилар ва бошликларнинг куп кисмини узларига олганлар. Асирлар кулларга

¹⁷ www.pedagog.uz.

¹⁸ История древнего мира под ред. В.Н. Дбякова и Н.М. Никольского – М.: государственное учебно – педагогическое издательство министерства просвещения РСФСР. 1952. – С. 255.

айлантирилиб, томоркаларда, устахоналарда ва хужаликларда ишлатилиб, кемаларда эшкакчилик қилганлар. Мардикор ва кулларнинг хизмати эвазига аслзода ва харбий бошликлар ортикча бойлик, чорва, маъдандан ясалган буюмларга, қимматбаҳо матоларга, озик-овқат ва қийим-кечакка эга бўлганлар. Шу тариқа аҳоли орасида табақаланиш кучайиб борган¹⁹.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, дорий қабилаларининг истилоси Юнонистон хўжалиги учун бир қадар фойдали бўлди. Чунки, дорийлар ўзлари билан Юнонистонга темир ва темир қуллар ва уларни тайёрлаш ва фойдаланиш каби муҳим бўлган янгиликни олиб келдилар. Шунинг учун юнонистонда ижтимоий – сиёсий вазият бир қадар орқага кетган бўлсада, иқтисодий муносабатларнинг бундан кейинги ривожини учун муҳим аҳамият касб этганлигини кўришимиз мумкин. Тез орада юнонистон иқтисодий жиҳатдан қайта тикланди, айниқса, денгиз қирғоғи бўйидаги шаҳарларда хўжаликнинг турли тармоқларининг ривожланиши натижасида полис тартибларининг вужудга келиши учун муҳим омил бўлди.

¹⁹ www.ziynet.uz.

Гомер даврида Юнонистондаги ижтимоий муносабатлар.

Гомер даврида, яъни мил. авв XI – IX асрларда, Юнонистондаги ижтимоий муносабатлар тарихини ёритишда Гомернинг дostonларига мурожаат қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Биз кўриб чиқаётган тарихий даврда дорийларнинг Юнонистонга бостириб келиши билан Юнонистонда шу давргача шаклланган Крит – Микен маданияти ва давлатчалари яксон этилади. Синфий жамият ва давлатлар барбод бўлиб, ижтимоий жиҳатдан патриархал – уруғчилик тартибларига қайтилади. Аммо, бу ҳол узоққа чўзилмайди. Аста – секинлик билан уруғ – қабила етакчиларининг (басилейлар) ҳокимияти кучая боради²⁰.

Басилейлар уйи катта ва ҳашаматли қилиб қурила бошлайди. Чунки улар қишлоқ жамоаларини бошқарар эдилар. Уларнинг уйида омборлар мавжуд бўлиб, у ерда нафақат дон ва дон маҳсулотлари балки, олтин ва қимматбаҳо буюмлар ҳам сақлаганлар. Басилейлар уйида уларнинг оила аъзолари ва бутун боши қариндош – урғлари яшаганлар. Аммо, унинг қариндошларининг фақат патриархал оила аъзоари басилей уйида яшашга ҳақли саналганлар²¹. Биз кўриб чиқаётган тарихий даврда басилей даражаси авлоддан авлодга ўтадиган ворисий мансаб бўлмаган. Басилейни қишлоқ жамоаси, уруғдошлар йиғинида ёши катта ва эътиборли эркаклардан сайлаб қўйилган. Басилей оиласи ва қишлоқ жамоаси билан мил.авв XI – IX асрларда мунтазам ва инок муносабатлар мавжуд бўлган. Шунинг учун Гомер даврида ва унинг дostonларида айниқса, Одиссей дostonида қуйланган қишлоқ ёки шаар, аҳоли манзилгоҳини биз уруғдошларнинг қўшни жамоаси деб атасак тўғри бўлар эди²².

²⁰ www.педагог.уз.

²¹ История древнего мира под ред. В.Н. Дбякова и Н.М. Никольского – М.: государственное учебно – педагогическое издательство министерства просвещения РСФСР. 1952. – С. 256.

²² www.зиѐнет.уз.

Мил.авв XI – IX асрларда юнонистондаги ижтимоий муносабатлар тарихини ўрганар эканмиз, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, басилейлар бир қадар имтиёзли тоифаларга айлана бошлаган эдилар. Гомер достонларидаги маълумолар ҳам бундан далолат беради. Достонларда айрим басилейларнинг катта бойликларнинг эгаси эканлиги, маълум бир ҳокимиятнинг айнан уларга тегишли эканлиги, унинг учун улар жамоа коллективидан ажралиб туриши хусусидаги маълумотлар ҳам мавжуд. Бундан ташқари Гомер достонларида уйдан, еридан ажралиб қолган айрим уруғдошларнинг аянчли тақдирлари ҳам эслатилади. Улар жамоада яшаб қолишлари ва уруғдошлари орасида юришлари учун басилейларга хизмат қилишлари ҳам эслатиладики, бу биз кўриб чиқаётган мил.авв XI – IX асрларда патриархал уруғчилик анъаналарининг емирилиши ва уй кулчилигининг вужудга келиш жараёнларининг акс этганидан далолат беради²³.

Гомер асарларида кам ерли ва ерсиз бўлсада, уруғ жамоасининг аъзоси Фет деб номланган бўлиб, улар уруғ – қабила асосини ташкил этар эди. Бир неча фетлар, яъни уруғлар бирлашиб фратрияни ташкил этар эди. Бу уруғдошлар жамоаси деган маънони билдирган. Фратриядан катта бўлган ташкилот фил деб аталиб, у қабила маъносини англатган. Уруғ ва фил аъзолари бир отадан келиб чиққан деб ҳисобланган. Гомер достонларида фил ва фратрия бошлиқлари филобасилей деб келитрилиб, уруғ бошлиқлари уларга ўзларининг бир қисм ҳокимиятларини беришга мажбур бўлганлар. Гомер даврининг хусусияти шундан иборатки, мулкий табақаланиш кучайиб бораётган ва уруғчиликнинг емирилиб бораётган, басилейлар билан ҳокимиятга интилаётган кўп сонли зодагонлар, шунингдек қуллар ва эркин кишилар табақалари шаклланаётган давр деб баҳолаш мумкин. Шу билан бир қаторда ижтимоий жихатдан қарам ва чет қабила ёки ўлкадан келган кишилар жамоаси ҳам бўлиб, уларниметанастлар атамаси билан келтиради.

²³ Ражабав Р. Қадимги дунё тарихи. (шарқ Юнонистон, Рим)– Т.: фан ва технология. 2009. – С. 239.

Метанастлар уруғ аъзоси бўлмаганлиги учун уларни урғ – қабила ўз имоясига олмаган. Улар куллик ҳолатига тушиб қолиши ни олди олинмаган эди. Гомер асрларида куллар ва айниқса чўрилар кўп маротаба тилга олинган. Албатта, бу кулларнинг ижтимоий аҳволи кейинги давр кулларининг аҳволидан бир қадар яхши бўлган. Бу ҳолатда, яъни мил.авв XI – IX асрларда куллар уй хўжалигида ишлатилган ва улар ижтимоий муносабатларда анча эркин бўлганлар. Мисол тариқасида Одиссейнинг кули Эвмей унинг уйига жойлашиб олган куёвларни кувиб чиқаришда ва Одиссейнинг улардан ўч олишида катта ёрдам беради. Шунинг учун ушбу кулчилик жараёнини патриархал ёки уй кулчилиги деб баҳолайдилар²⁴.

Ҳунармандчилик бу даврда етарли даражада тараққий топмаган бўлсада. Гомер даврида дайди уй қурувчилар, , куй чалиб қўшиқ айтувчилар, ювилерлар ва темирчилар ҳақидаги маълумотлар мавжуд. Юнонистонда темирчилик айниқса қадрланган ва юнонларнинг тасаввурича темирчилик маъбуди бўлиб ҳисобланган Гефест уларниг ҳомийси бўлиб, у Этна вулқонининг тагида яшаган. Бу вулқон отилганда юнонларнинг тасаввурича Гефест ўз устахонасини тозаламоқчи бўлаётган давр бўлиб ҳисобланади²⁵.

Гомер даврининг охирида Юнонистонда ижтимоий муносабатлар кескинлашиш жараёни бошланади ва полислар, давлатларнинг вужудга келиш даври бошланган эди. Гомер асарларида айрим вилоятларнинг ҳарбий иттифоққа бирлашганлиг ҳақидаги маълумотлар ҳам мавжуд. Жумладан Гомер дostonларида Арголида, Беотия, Фессалия каби Юнонистон вилоятлари басилейлари ўз вилоятларининг ҳарбий конфедератив иттифоқларини тузганлигиклари эслатилиб ўтилади²⁶. Вужудга келаётган давлатларда ҳокимият басилейлар қўлига ўтилишини кузатар эканмиз, улардан энди басилейлик амали отадан – ўғилга ўтувчи меросий жараёнлар

²⁴ www.педагог.уз.

²⁵ www.зиёнет.уз.

²⁶ История древнего мира под ред. В.Н. Дбякова и Н.М. Никольского – М.: государственное учебно – педагогическое издательство министерства просвещения РСФСР. 1952. – С. 257.

содир бўлганлигини кўриш мумкин. Аммо, қишлоқ жамоасининг асосий қисми ҳали ҳам ўзларининг шахсий эркинликларини сақлаб қола билганлар. Вужудга келаётган олий табақа вакиллари оддий аҳоли билан ҳисоблашишга мажбур эдилар. Бу ҳол айниқса урушлар даврида яққол намоён бўлар эди. Вужудга келган давлатларнинг Юнонистондаги уруғ – қабила анъаналарининг бузилиш жараёнида эканлигини инобатга олиб, Гомер даври Юнонистонда ҳарбий демократия анъаналари ҳали устун бўлган деб бемалол айта оламиз²⁷.

Дорийлар истилосидан кейин Крит – Микен маданиятининг ва шу маданият анъаналарининг давомчилари бўлган давлатчалар ва ижтимоий тартиблар бутунлай йўқ қилинди. Аммо, тез орада янгича ижтимоий тартиблар вужудга кела бошлаган эди. Бизнинг фикримизча, мил.авв XI – IX асрларда Юнонистон тарихида Гомер даври деб аталган даврининг хусусияти шундан иборатки, мулкӣй табақаланиш кучайиб бораётган ва уруғчиликнинг емирилиб бораётган, басилейлар билан ҳокимиятга интилаётган кўп сонли зодагонлар, шунингдек қуллар ва эркин кишилар табақалари шаклланаётган давр деб баҳолаш мумкин.

²⁷ Ражабав Р. Қадимги дунё тарихи. (шарқ Юнонистон, Рим)– Т.: фан ва технология. 2009. – Б. 238.

Гомер даври маданияти.

Гомернинг „Илиада“ ва „Одиссея“ дostonларида қадимги юнонларнинг ўта улуғворлик даражасига олиб чиқилганлиги муҳим рол ўйнаган. Чунки, „Илиада“ ва „Одиссея“ дostonларида оддий инсонлар худолар даражасига олиб чиқилади. Юнонистоннинг орият ва номусни инсон ахлоқий идеалининг энг юқори чўққиси деб билган қаҳрамонлари Трояга қарши кураш олиб борадилар. Бу уруш босқинчилик уруши эмас, балки топталган ор-номусни ҳимоя қилиш уруши сифатида талқин этилади. Бу урушда кишиларнинг улуғвор бўлиб кўринишининг яна бир сабаби, худолар ва қаҳрамонларнинг ҳамкорликда жанг олиб борганликларидир. Худолар ҳам оддий инсонлар сингари жангу-жадалда қатнашади, тарафқашлик урушида томонларни қўллаб-қувватлаб туради²⁸.

Ақл - идрокда қудратли куч бўлган инсон образи бу давр маданиятига синга боради. Бу даврга келиб, Крит - Микена даври дунёқарашида ҳукмронлик қилган мифологик образлар, яъни йиртқич ҳайвонлар образи инсон кўз олдида ўз кучини йўқота боради. Мифологик дунёқараш сифатида шаклланган ҳодисалар ўзининг сир - асрорини оча боради. Инсон табиат ҳодисаларини қандай бўлса, шу ҳолда қабул қила бошлайди. Унинг номаълум бўлган сир - синоатларига чуқурроқ кириб боришга интилади. У табиат кучлари устидан сеҳрлаш ёки жоду қилиш орқали ҳукмрон бўлишга интилмайди, балки ақл - идорокни ишга солиб ҳукмронлик қилишга интилади²⁹.

Бу даврда қадимги Грек динининг асосий белгилари шакллана боради. Улар ўз динларини Фессалия ва Македония чегарасида жойлашган Олимп тоғи билан **Олимп дини**, Олимп тоғининг қорли чўққисини ўз худоларининг яшаш жойи деб ҳисоблайдилар.

Қадимги Юнонларнинг тасаввурига кўра, олам дастлаб „хаос“ тартибсизликдан иборат бўлган. Сўнгра, Зевс бошчилигидаги худолар

²⁸ www.педагог.уз.

²⁹ История древнего мира под ред. В.Н. Дбякова и Н.М. Никольского – М.: государственное учебно – педагогическое издательство министерства просвещения РСФСР. 1952. – С.259.

оламнинг турли ҳодисаларини бошқариб, тартибга келтира бошлаганлар. Зевснинг авлодлари бутун оламга ҳукмронлик қила бошлайдилар, яъни бутун коинотни ўзларининг мулкларига айлантирадилар. Зевс момақалди роқ ҳамда булутлар султони, маъбудлар маъбуди бўлиб қолади. Унинг укаси Посейдон денгизлар ҳукмдори, яна бир укаси Аид охира т худоси бўлиб тайинланади. Зевснинг рафикаси Гера осмон маъбудаси, маъбудлар маликаси, хомиладор аёллар ва келин - куёвлар рахнамоси ҳисобланади. Зевснинг ҳар бир фарзанди иккинчи даражали маъбуд ва мабудаларга айланадилар. Улар ҳам оламнинг турли хил ҳодисаларига ҳукмронлик қила бошлайдилар ёки рахнамоларга айланадилар. Қадимги Юнонистонда худоларга атаб турли-туман байрамлар ташкил этилган. Байрамлар диний характерга эга бўлиш билан бирга инсонни жисмоний чиниқтирган, мусиқа, поезия, кўшиқ ва бошқа санъат турларининг ривожланишига ҳам улкан ҳисса кўшган³⁰.

Қадимги юнонлар худоларга атаб ташкил этган улкан байрамлардан бири - **Олимпиада ўйинларидир**. Олимпиада ўйинлари ҳар тўрт йилда бир марта маъбудлар маъбуди Зевс шарафига ўтказилган. Биринчи Олимпиада ўйини милоддан аввалги **776 йилда** ўтказилган. Олимпиада ўйинлари Пелопоннеснинг шимоли - ғарбида жойлашган Олимпия шаҳрида ўтказилган. Олимпиада ўйинлари тантанали намоиш ва курбонлик қилиш билан бошланган. Дастлаб олимпиадачилар фақат югуриш бўйича мусобақалашган. Вақт ўтиши билан олимпиада ўйинларига кураш, беататлон, югуриш, узунликка сакраш, диск улоқтириш, найза отиш ва курашдан иборат беш кураш муштлашиш жанги ҳамда аравалар пойгаси киритилган. Олимпия ўйинлари кунлари драматурглар, шоирлар, ашулачилар ва созандалар ҳам бахслашганлар, ўзлари яратган асарларни йиғилган халқ ҳукмига ҳавола қилганлар³¹.

³⁰ История древнего мира под.ред. В.Н. Дбякова и Н.М. Никольского – М.: государственное учебно – педагогическое издательство министерства просвещения РСФСР. 1952. – С.260.

³¹ www.pedagog.uz.

Умуман олганда, олимпия ўйинлари сингари байрам - мусобакалар қадимги юнон маданияти, адабиёти ва санъатининг кенг кўламда ривожланишида ҳам муҳим рол ўйнаган, ижодкорларнинг ҳақиқий минбарига айланган.

Қадимги юнон маданияти тараққиётида **юнон ёзувининг** аҳамияти ҳам бекиёс катта бўлган. Юнон ёзуви мил.авв. IX - VIII асрларга келиб финикияликлар алифбосидан фойдаланиш асосида вужудга келган. Қадимги юнонлар финикияликларнинг фақат ундош товушдан иборат бўлган 22 харфидан ўзгартирилган ҳолда фойдаланганлар, яъни греклар ўз алифболарига унли товушларни қўшиб 24 харфдан иборат ўз алифболарини тузганлар. Қадимги юнон ёзувининг аҳамияти, шундаки, славян алифбоси грек алифбоси асосида ташкил этилган³².

Хулоса қилиб айтганда, Гомер даври маданияти - умумюнон маданиятининг кўзга яққол ташланиб турадиган босқичларидан бири ҳисобланади. Бу давр маданияти, биринчидан, системалашган диний қарашларнинг вужудга келиши билан характерланади. Дастлаб хаосдан иборат бўлган олам ҳамда барча воқеа ва ҳодисаларни тартибга солиб турадиган ўзига хос диний дунёқараш шаклланади. Иккинчидан, диний дунёқарашга боғлиқ бўлган турли хил маросимлар, байрамлар таркиб топа борди. Биргина олимпия ўйинлари ёки Дионисга бағишланган байрам маросимларини олиб қарасак, улар диний қарашлар натижасида вужудга келганлигини кўрамиз. Тасаввурдаги худолар, уларнинг ташқи кўриниши-кўркемлиги, куч - қудрат уфуриб турадиган ташқи қиёфаси тўғрисидаги тасаввурлар, дастлаб умум Юнонистонга, сўнгра бутун эллинистик дунёга кенг тарқалган олимпия ўйинларининг вужудга келиши ва ривожланишига олиб келди. Учинчидан, халқ оғзаки ижодининг ривожланиши ёзма адабиётнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Бу эса ўз навбатида воқеа ҳамда ҳодисаларни мифологик тарзда тасвирлашдан реалистик тарзда ифодалашга олиб келди.

³² www.ziynet.uz

Хулоса.

Болқон Юнонистони ва унинг яқинида жойлашган оролларда дорийлар истилосидан кейин ижтимоий жиҳатдан таназзул, орқага кетиш содир бўлди. Барча жойларда уруғдошлик тузуми қайтадан қарор топди. Тор – мор қилинган кичик – кичик давлатчалар ҳудудида ам уруғ – қабила муносабатлари жорий қилинди. Ахая давлатлари йўқолди. Бўғинли ёзув аста – секин унитилди. Аттика тор – мор қилинмаган бўлсада юқорида зикр этилган муносабатлар томон юз тутган. Аммо, дорийлар билан маҳаллий аҳолининг қўшилиб кетиши ва уруғ – қабила анъаналарининг жорий этилиши тушкунлини узоқ давом этишига йўл қўймади. Дорийлар олиб келган темир ва унга ишлов бериш техникасининг ўзлаштирилиши натижасида ижтимоий ва сиёсий жараёнлар маълум бир вақтдан кейин ўзгача шакл ва мазмунда вужудга кела бошлади³³.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, дорий қабилаларининг истилоси Юнонистон хўжалиги учун бир қадар фойдали бўлди. Чунки, дорийлар ўзлари билан Юнонистонга темир ва темир қуллар ва уларни тайёрлаш ва фойдаланиш каби муҳим бўлган янгиликни олиб келдилар. Шунинг учун юнонистонда ижтимоий – сиёсий вазият бир қадар орқага кетган бўлсада, иқтисодий муносабатларнинг бундан кейинги ривожини учун муҳим аҳамият касб этганлигини кўришимиз мумкин. Тез орада юнонистон иқтисодий жиҳатдан қайта тикланди, айниқса, денгиз қирғоғи бўйидаги шаҳарларда хўжаликнинг турли тармоқларининг ривожланиши натижасида полис тартибларининг вужудга келиши учун муҳим омил бўлди.

Вужудга келаётган давлатларда ҳокимият басилейлар қўлига ўтилишини кузатар эканмиз, улардан энди басилейлик амали отадан – ўғилга ўтувчи меросий жараёнлар содир бўлганлигини кўриш мумкин. Аммо, қишлоқ жамоасининг асосий қисми ҳали ҳам ўзларининг шахсий эркинликларини сақлаб қола билганлар. Вужудга келаётган олий табақа

³³ Ражабов Р.Р. Қадимги дунё тарихи (Шарқ, Юнонистон, Рим). – Т.: Фан ва технология нашриёти 2009. – Б. 238.

вакиллари оддий аҳоли билан ҳисоблашишга мажбур эдилар. Бу ҳол айниқса урушлар даврида яққол намоён бўлар эди. Вужудга келган давлатларнинг Юнонистондаги уруғ – қабила анъаналарининг бузилиш жараёнида эканлигини инобатга олиб, Гомер даври Юнонистонда ҳарбий демократия анъаналари ҳали устун бўлган деб бемалол айта оламиз.

Дорийлар истилосидан кейин Крит – Микен маданиятининг ва шу маданият анъаналарининг давомчилари бўлган давлатчалар ва ижтимоий тартиблар бутунлай йўқ қилинди. Аммо, тез орада янгича ижтимоий тартиблар вужудга кела бошлаган эди. Бизнинг фикримизча, мил.авв XI – IX асрларда Юнонистон тарихида Гомер даври деб аталган даврининг хусусияти шундан иборатки, мулкӣ табақаланиш кучайиб бораётган ва уруғчиликнинг емирилиб бораётган, басилейлар билан ҳокимиятга интилаётган кўп сонли зодагонлар, шунингдек қуллар ва эркин кишилар табақалари шаклланаётган давр деб баҳолаш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

Президент И. А. Каримов асарлари

1. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.: Шарқ 1998.
2. Каримов И. А. Халқимизнинг йўли мустақиллик, озодлик ва туб ислохотлар йўлидир: - Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда: Президент Ислам Каримовнинг Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясидаги маърузаси. 1999 йил 14 апрель. – Т.: Ўзбекистон, 1999.

Адабиётлар

1. Жумаев А. Ш. Қадимги дунё тарихи. Ўқув услубий қўлланма Бухоро 2006.
2. История древнего мира под ред. В.Н. Дьякова и Н.М. Никольского – М.: государственное учебно – педагогическое издательство министерства просвещения РСФСР. 1952.
3. Орзиев М., Ризаев Б. Хайитов Ж. Қадимги дунё тарихи фанидан атамалар қисқача изоҳли луғати. – Бухоро “Дурдона” 2014.
4. Ражабав Р. Қадимги дунё тарихи. (шарқ Юнонистон, Рим)– Т.: фан ва технология. 2009.
5. Қадимги дунё тарихи. Ю.С. Крушкол таҳрири остида 2 – ж. – Т.: 1975.
6. Қадимги Юнонистон ва Рим тарихи фанидан ўқув услубий мажмуа. – Т.: 2001.
7. www.ziynet.uz.
8. www.pedagog.uz.